
Адлия тадбиркорга дўст

Ҳурматли тадбиркорлар!

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил октябрь ойи давомида “Адлия тадбиркорга дўст” лойиҳаси доирасида тадбиркорлик субъектларини ҳомийлик ва хайрия ёрдами кўрсатиш ишларига мажбурий жалб қилиш, уларга нисбатан маъмурий ва бошқа чораларни қўллаш таҳдиди остида йиғилишлар ва бошқа тадбирларни ўтказиш ҳолатларини аниқлаш бўйича аноним сўровлар ўтказилиши назарда тутилган.

Сўровнома аноним равишда ёки шахсингизни кўрсатган ҳолда иштирок этилади. Шахсини кўрсатган иштирокчиларнинг тадбиркорлик ҳуқуқларини тиклаш юзасидан чоралар кўрилади.

Сўровда қуйидаги <http://bit.ly/2ISYnc5> ҳавола орқали иштирок этишингиз мумкин. Сўровда фаол иштирок этишингизни сўраймиз.

Эслатиб ўтамиз, тадбиркорлик субъектларини ҳомийликка ва бошқа тадбирларга мажбурий жалб этиш учун Ўзбекистон республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 241⁴-моддасида ҳамда Жиноят кодекси 192⁴-моддасида жавобгарлик белгиланган.

Ўзбекистон туман адлия бўлими

2019-10-04 15:53:43